

Ш.Н.Рискулов,  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
таянч докторанти

## **XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА АФҒОНИСТОННИНГ СИЁСИЙ ҲОЛАТИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада Афғонистоннинг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, унинг Марказий Осиёдаги геополитик ўрни, Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим геостратегик нуқтада жойлашганлиги, XIX аср охири – XX аср бошларида Афғонистоннинг мустақил ташқи сиёсий фаолият доирасидаги ҳаракатлари, Англиянинг Афғонистон ички ишларига аралашуви, Англия ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир тарихий фактларни таҳлил қилиш, Англия ва Россия ўртасидаги қелишувларнинг натижалари ва аҳамияти ёритилади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** Марказий Осиё, Афғонистон, афғон халқи, геосиёсий, Англия, Россия империяси, Кобул, Қандаҳор, Мозори Шариф, Амир Абдурахмон, Амир Ҳабибулло, 1878-1881 йиллардаги иккинчи инглиз-афғон уруши, М.С.Бель, Лорд Керзон.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются политическое, социальное-экономическое положение Афганистана во второй половине XIX - начале XX века, и его геополитическое место и роли в Центральной Азии и его особой стратегической положении в Центральной Азии. Рассматриваются проблемы дипломатических взаимоотношений между Англией и Россией в Афганистане в конце XIX – начале XX века. Анализируются исторические факты дипломатических отношений между Англией и Россией, вмешательство Англии во внутренние дела Афганистана, стремление Афганистана за независимой внешнеполитической деятельности и заключения соглашений между Англией и Россией по Афганистану, изучаются проведения внешнеполитической линии России в этой стране, рассматриваются итоги и значение англо-русского соглашения.

**Опорные слова и понятия:** Центральная Азия, Афганистан, афганский народ, геополитика, Англия, Российская империя, Кабул, Кандахар, Мазари Шариф, Эмир Абдурахман, Эмир Хабибулла, вторая англо-афганская война 1878-1881 гг., М.С.Бель, Лорд Керзон.

**Annotation:** In this article, the political, social and economic situation of Afghanistan in the second half of the XIXth century and the beginning of the XXth century, its geopolitical location in Central Asia, and Afghanistan's important geostrategic location in Central Asia, in Afghanistan in the late XIX<sup>th</sup> and early XX<sup>th</sup> centuries, Afghanistan's independent foreign policy activities, the UK's involvement

in Afghanistan, the analysis of historical facts concerning the diplomatic relations between Britain and Russia, the results of agreements between England and Russia.

**Key words:** Central Asia, Afghanistan, Russia, geopolitics, afgan people, England, The Empire of Russian, Kabul, Kandakhar, Mazar Sharif, Emir Abdurahman, Emir Habibullah, Second Anglo-Afghan war of 1878-1881, M.S.Bel, Lord Curzon.

XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиё муҳим геополитик минтақа ҳисобланиб, Афғонистон эса унинг асосий стратегик нуқтасини эгаллаган эди. Лекин бу даврда минтақага икки йирик мустамлакачи давлат тобора яқинлашиб келмоқда эди. Бири шимолдан, бир неча асрлардан бери Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган, бу даврга келиб Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудлари устидан ўз ҳукмронлигини қарор топтириб бўлган Россия бўлса, иккинчиси эса жанубдан, Ҳиндистон субконтинентида ўз устиворлигини ўрнатган ва тизимли равишда шимолга қараб силжиб бораётган Англия эди. Шубҳасиз, бу икки мустамлакачи давлат ҳам янги бозорларга, хом-ашё манбаларига, қолаверса, стратегик қулай ҳудудларга эга бўлиш учун минтақани ўз таъсирига олиш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадига эришишга ҳаракат қилишарди. Шу боисдан бу ўлка борасида инглиз-рус рақобати вужудга келди ва у бутун XIX аср халқаро муносабатлар тизимининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Инглиз-рус муҳолифлиги кейинчалик “Катта ўйин” деб номланган янги номга эга бўлди<sup>1</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Афғонистон иқтисодий жихатдан заиф ривожланган феодал мамлакат бўлиб, ўзаро ички бош-бошдоқлик ҳукм сурган, ташқи сиёсий масалаларда эса унинг суверенитети чекланган эди<sup>2</sup>. Шундай шароитда Марказий Осиёда юзага келган мураккаб сиёсий вазиятни англаган Афғонистон амири Дўст Муҳаммад XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Буюк Британиянинг кучли мавқеини ҳисобга олган ҳолда, инглиз маъмурияти билан яқинлашиш сиёсатини олиб бора бошлади. Амирнинг бундай хатти-ҳаракатига Эроннинг Ҳирот шаҳрини босиб олиш бўйича фаол сиёсати туртки берган эди. Эроннинг Ҳирот шаҳрини босиб олиш бўйича ҳаракатларига тўсқинлик қилиш мақсадида инглизлар билан ўзаро келишилган ҳолда ҳаракат қилиш учун Дўст Муҳаммадхон 1855 йилда ўғли Гулом Ҳайдархонни Пешовар шаҳрига жўнатади. Ўзаро музокараларда инглиз томонидан Ост-Индия компаниясининг Панжобдаги бош ваколатли маъмури Лоуренс иштирок этди ва натижада 1855 йилнинг 30 мартда 3 банддан иборат инглиз-афғон шартномаси имзоланади. Мазкур шартноманинг биринчи бандида Ост-индия компанияси ҳамда Дўст Муҳаммадхон ва унинг ворислари ўртасида тинчлик ва дўстлик ўрнатилганлиги белгилаб қўйилди. Шартноманинг иккинчи ва учинчи бандлари томонлар бир-бирларининг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишлари, Дўст Муҳаммадхон ва унинг ворислари Ост-Индия компаниясининг “душманларига душман,

<sup>1</sup>Хидоятов Г.А. Британская экспансия в Средней Азии. – Т., 1981. – С. 7.

<sup>2</sup>Очильдиев Д. К истории англо-русского соперничества в Афганистане (1901–1907). // Научная работа и сообщения отделения общественных наук Академии наук Узбекистана. – Ташкент, 1961. Кн. 3. – С. 222–231.

дўстларига дўст” бўлишлари (инглизлар аксинча, ўзларига нисбатан бундай мажбуриятни олмайдилар), 1849 йилда инглизлар томонидан босиб олинган баъзи афғон қабилалари яшайдиган ҳудудлар, шунингдек, Пешовар шаҳридан воз кечиш каби шартлар қўйилган эди<sup>3</sup>.

1855 йилги инглиз-афғон шартномаси натижасида инглизлар Афғонистоннинг ташқи сиёсий фаолияти устидан тўла назорат ўрнатган бўлса, амирнинг Қандаҳор шаҳрига нисбатан ҳуқуқини ҳам эътироф этадилар, ҳамда амир томонидан ушбу шаҳарни ўз мулкларига қўшиб олинishiга эътироз билдирмасликларини маълум қиладилар. Бу эса Афғонистонни бирлаштириш сиёсатидаги дастлабки қадам эди. Бироз муддатдан сўнг Амир Дўст Муҳаммадхон ва Ост-Индия компанияси ўртасида 1857 йил январидан яна бир инглиз-афғон шартномаси имзоланади. Мазмунига кўра, ҳарбий масалалар акс этган мазкур шартномада Дўст Муҳаммадхон ва унинг ворислари Ост-Индия компаниясининг “душманларига душман, дўстларига дўст” бўлишлари яна бир бор таъкидлаб ўтилди ҳамда амирга инглиз ҳукумати ҳар ойда 100 минг рупий тўлаб туришини маълум қилди. Мазкур маблағ ҳисобига амир ўз қўшинини 18 минг нафарга кўпайтириши ва Эрон томонидан туғиладиган таҳдидга тайёр бўлиб туриши белгилаб қўйилди. Шунингдек, амирнинг Эрон билан бўладиган муносабатлари Кобулда фаолият олиб борадиган махсус инглиз маъмурининг назорати остида олиб борилиши таъкидлаб қўйилди<sup>4</sup>. Ушбу шартномалар Афғонистоннинг ташқи мустақиллиги Англия назорати остида эканлигини белгилаган бўлсада, мамлакатни бирлаштириш учун жуда ҳам муҳим эди. Шу туфайли Амир Дўст Муҳаммадхон 1863 йил май ойида Ҳирот шаҳрини эгаллайди ва натижада мамлакатни бирлаштириш сиёсати амалга ошади, шу билан бирга ҳозирги Афғонистон Ислом Амирлиги чегаралари ўша вақтда шаклланади. Аммо 1863 йил июнида амир Дўст Муҳаммадхон Ҳиротда вафот этади. Дўст Муҳаммадхон вафотидан сўнг дастлаб унинг ўғли Шералихон (1863-1879) амир деб эълон қилинади. Бироқ, тез орада “Улуғ Амир”нинг кўп сонли ўғиллари ўртасида тож-у тахт учун кураш бошланиб кетади<sup>5</sup>.

Шералихон ўз ҳокимиятининг мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида инглизлар билан ўзаро муносабатларга аниқлик киритиб олади. Шу мақсадда 1869 йил Буюк Британиянинг Ҳиндистондаги вице-қироли лорд Майо билан учрашади ҳамда ўзаро музокаралар олиб боради. Мазкур музокаралар чоғида амир Шералихон томонидан инглизларга бир қатор талаблар қўйилади. Жумладан, инглизларнинг афғон давлати ички ишларига аралашувига бутунлай чек қўйиш, Афғонистонда Шералихон ва унинг ворисларидан бошқа ҳеч кимни дўст сифатида тан олмаслик, Шералихоннинг ўғли Абдуллажонни тахт вориси этиб тан олиш қабилар илгари сурилади. Афғон амирининг мазкур талабларига жавоб бериш чоғида инглизлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик

<sup>3</sup> Ferrier, J.P. History of the Afghans. – London: John Murray, 1858. – P. 401-402.

<sup>4</sup> А.Маннанов, Н.Абдуллаев, Р.Рашидов. Афғонистон тарихи // Ўқув қўлланма. – Т.: «Баркамол файз медиа», 2018. – Б. 134.

<sup>5</sup> А.Маннанов, Н.Абдуллаев, Р.Рашидов. Афғонистон тарихи // Ўқув қўлланма. – Т.: «Баркамол файз медиа», 2018. – Б. 135.

мажбуриятини олади ва афғон амирига моддий кўмак беришга ваъда беради. Кутилганидек, Афғонистондаги ишлар анча қийин кечди. Муаммонинг бир қисми аввалги – Афғонистоннинг ишларига аралашмаслик сиёсати бузилишидан келиб чиқди.

1873 йили инглизлардан кўра руслардан кўпроқ кўрққан амир – Дўст Муҳаммаднинг ўғли Шерали лорд Нортбрукка шимолдан кутилаётган таҳдидга қарши мудофаа шартномаси тузишни таклиф қилди. Гладстон ҳукуматининг кўрсатмасига кўра, вице-қирол бу таклифни рад этиб, Шералига бошқа баъзи масалалар бўйича танбеҳ ҳам берди. Табиийки, амир ўзига дўст деб билган кишиларнинг бундай рад жавобидан ғазаб отига минди. Кўп ўтмай, Ҳиндистонга афғон амири Тошкентдаги генерал Кауфман билан алоқа ўрнатгани ҳақида хабарлар кела бошлади. Дизраэли Нортбрукнинг кўпол хатосини тўғирлаш мақсадида лорд Литтонга амир аввалроқ хоҳлаган келишувни тузиш ҳақида буйруқ берди, фақат бунинг учун афғон ҳукумдорига Кобул ва Ҳиротда Британиянинг доимий ваколатхоналарини очишга рухсат бериш шarti қўйилди<sup>6</sup>. Мақсад, Кауфманнинг ҳаракатларини амир саройидан туриб диққат билан кузатиб бориш эди, эндиликда амир русларга тарафкашликда гумон қилинар ва унга батамом ишониб бўлмасди. Бундан ташқари Шералихон мамлакатда бир қатор ислохатларни амалга оширади, аммо бошқарувининг сўнги йилларида инглизлардан яширинча Россия билан олиб борган музокаралари натижасида Буюк Британия билан муносабатлари совуқлашади. Натижада Буюк Британия ҳукумати 1838-1842 йилги биринчи инглиз-афғон урушидаги шармандали мағлубиятни унутиб, 1878 йил яна афғон давлатига нисбатан уруш бошлади. 1878 йилнинг ноябрида Ҳиндистонда турган инглизлар қўшини уч йўналишда Афғонистон томон йўлга чиқди. Генерал С.Броун бошчилигидаги 16 минг нафар ҳарбийлардан иборат биринчи гуруҳ Пешовар шаҳридан Хайбар довони томонга қараб йўлга тушган бўлса, генерал Ф.Робертс бошчилигидаги 6,5 минг нафар ҳарбийдан иборат иккинчи гуруҳ Кохатдан Хост шаҳрига қараб йўлга тушди. Д.Стюарт бошчилигидаги 13 минг нафар ҳарбийдан борат учинчи гуруҳ жанубий йўналишда ҳаракат қилиб, Кветта шаҳридан Болан довони орқали ўтиб, Қандаҳор шаҳрини эгаллаш учун йўлга чиқди<sup>7</sup>.

Инглизлар дастлаб Жалолобод, Қандаҳор ва бошқа ҳудудларни эгаллашади, бунинг натижасида мушкул вазиятда қолган ҳамда инглизларнинг босқинчилик хатти-ҳаракатлари муҳокама қилинадиган Халқаро конференция чақириш истагидан қайтмаган амир Шералихон 1878 йил декабрида тахтни уй қамоғида бўлган тўнғич ўғли Ёқубхонга топшириб, рус подшоси ҳузурига бориш учун мамлакат шимолига қараб йўлга чиқади. Бироқ, Россия империяси номидан Шералихон билан ёзишмалар олиб борган Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман (1867-1881) Россия ва Буюк Британия муносабатларини чигаллаштирмаслик мақсадида Шералихонни йўлдан қайтармоқчи бўлади.

<sup>6</sup> Peter Hopkirk. The great game on secret service in high Asia. – L., 1912.

<sup>7</sup> Hanna, H.B. The second Afghan war 1878-79-80. Its causes, its conduct and its consequences. Vol I. - London: Westminster Archibald Constable & Co, 1899. – P. 300-353.

Шундан сўнг орзу-умидлари пучга чиққан Шералихон касалланиб, 1879 йилнинг феврида Мозори Шариф шаҳрида вафот этади. Тахтга ўтирган Ёқубхон англизлар ёрдамида ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи бўлади ва 1879 йил баҳоридан мамлакат бўйлаб англизларга қаршилик кўрсатишни тўхтатиш бўйича фармойиш беради. Шу йилнинг 26 май куни эса англизлар Ёқубхон билан кўплаб афғонларнинг норозилигига сабаб бўлган Гандамак шартномасини имзолайдилар<sup>8</sup>. Гандамак шартномасига кўра, Афғонистон Буюк Британияга қарам вассал давлатга айланди. Афғон давлати мустақил равишда ташқи сиёсат юритиш ҳамда чет давлатлар билан муносабатлар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Афғон давлатининг чет давлатлар билан муносабатлари фақатгина Британиянинг Ҳиндистондаги маъмурияти орқали олиб борилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ёқубхон англизларнинг бир қатор ҳудудлар, жумладан мамлакатнинг стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган жанубий-шарқий ҳудудлари Қандаҳор шаҳри, Қуррам, Сиби, Пишин вилоятлари англиз ҳукмронлиги остига ўтди. Хайбар ва Мичин доволарида англизлар назорати ўрнатилди. Шунингдек, Англиянинг минтақадаги асосий рақиби Россия билан ҳам Марказий Осиё учун олиб бориладиган курашда ўзи учун қулай бўлган шароитни ҳам яратди. Инглизлар ўз навбатида афғон ҳукмдорига ҳар йили 60 минг фунт стерлинг миқдорда кўмак беришга ваъда берадилар ҳамда Сер Луи Каваньяри 1841 йили қатл этилган Александр Бернс ва сэр Уильям Макнахтенлар давридан кейин Буюк Британиянинг илк резиденти сифатида Кобулга бориши керак бўларди<sup>9</sup>.

1879 йил 24 июлида Кобулдаги Бола-Хисор қаласида 90 кишилик соқчилар отрядидан иборат бўлган англиз элчихонасига асос солинди ва резидент этиб тайинланган Луи Каваньяри Кобулга етиб келади. Шу тариқа иккинчи англиз-афғон урушининг дастлабки босқичи тугади. Ушбу босқичда афғонлар уюшқоқлик билан ҳаракат қилмаганликлари боис, гарчи мағлубиятга учраган бўлсалар-да, англизларнинг муваффақиятини ҳам мустаҳкам ва ишончли деб бўлмас эди. Инглизлар ўзларининг енгил ғалабаларидан мағрурланиб, буткул бепарволикка берилдилар. Тез орада Л.Каваньяри Кобулда ўзини эркин ҳис қилиб, Гандамак шартномасига зид равишда мамлакат ички ишларига очиқдан-очиқ аралашини бошлади, бу эса афғонларнинг ғазабини кўзғади. Оқибатда афғон давлати ички ишларига кўплаб аралашини ҳолатлари бир қатор маҳаллий амалдорларнинг англизлар юритаётган сиёсатга нисбатан норозилиги пайдо бўлишига олиб келди. Халқнинг қаҳру-ғазаби ошиб бораётганлиги ҳусусида англизлар қўлида кўғирчоқ ҳукмдор бўлиб турган Ёқубхон ҳам 1879 йил августи давомида Л.Каваньярини бир неча бор огоҳлантиради. Бироқ, англиз резиденти бундай ҳолатга эътибор бермай, ўша йилнинг 2 сентябрида Ҳиндистондаги англиз мустамлакачилик маъмуриятига афғон заминида ҳамма ишлар жойидалиги тўғрисида маълумотнома жўнатади. 3 сентябрь куниёқ Кобулда оммавий кўзғолон бошланди. Бунга кўп вақтдан буён маош олмаган афғон

<sup>8</sup> Файз Муҳаммад. Сирож ат-Таворих. 1-3 жилд. Кобул. 1331-1333-х.й. (1912/13, 1914/15). – Б 342.

<sup>9</sup> Peter Hopkirk. The great game on secret service in high Asia. – L., 1990.



ҳарбийларининг норозилиги боис уюштирилган намоиш ҳамда ушбу норозиликни инглизлар томонидан қурол кучи воситасида бостирилишига интилиши сабаб бўлди. Инглиз резиденти Л.Каваняри ушбу намоишни бостириш мақсадида биринчи бўлиб ўзи афғон аскарларига қарата ўқ узади ва шу билан икки томон ўртасида қуролли тўқнашув рўй беради. Афғон аскарларига Кобул аҳолиси ҳам қўшилади ва инглиз резидентураси биноси эгалланиб, барча инглизлар, шу жумладан миссия раҳбари Л.Каваняри ҳам ўлдирилади<sup>10</sup>. Қирғин ҳақидаги хабар тасдиқлангач, генерал Робертс шошилинч равишда йиғилган жазо қўшинини Кобулга қараб йўналтиради. Робертс октябрь ойи бошида Кобулга етиб келади, аммо у Кобулга етиб келгунича йўлда учраган тўсиқларини шафқатсизларча босиб ўтади ва афғонлардан қаттиқ ўч олади<sup>11</sup>. Инглизлар кўзғолончилардан, айниқса Кобул шаҳри аҳолисидан аёвсиз ўч оладилар ва шаҳардаги асосий бинолар буткул вайрон этилади. Шу билан бирга, амир Ёқубхон инглиз резидентурасининг қирғин этилишининг олдини ололмаганликда айбланади ва 1879 йилнинг октябрида инглизлар томонидан расман тахтдан туширилган деб эълон қилинади ҳамда инглизлар паноҳида 1923 йил умрининг охиригача умрбод яшаш учун Ҳиндистонга жўнатилади. Бу билан инглизлар Афғонистонда бошқарувни ўз қўлларига олишни ва ўзларининг мустамлакачилик мақсадларини янада кенгайтирмоқчи бўлганликларини англаш мумкин. Гарчи Кобул эгалланиб, афғон халқи қаттиқ жазога маҳкум этилган бўлса ҳам, оммавий халқ ҳаракати тўхтамади. Афғонистондаги юқоридаги каби ҳокимиятсизлик ва бошбошдоқликлардан Муҳаммад Афзалхоннинг ўғли Абдурахмонхон яхшигина хабардор бўлиб турар эди. У ўн икки йилдан бери Самарқандда сургунда яшаётган Дўст Муҳаммаднинг набираси, марҳум Шералининг жияни бўлиб, генерал Кауфман ҳимоясида эди, ва унга рус шоҳи нафақа ҳам тайинлаган эди. Амакиси амир Шералихон билан ҳокимият учун курашда мағлубиятга учраган Абдурахмонхон қочқинликда Россия империяси таркибида бўлган Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида истиқомат қилар ва афғон тахти учун бўлган даъвосидан воз кечмаган эди. Шералининг ўлими ва Британиянинг Афғонистонга нисбатан янги тажовузор сиёсати кўп нарсани ўзгартириб юборди.

Кауфман Абдурахмонни юртига қайтиб боришга ва Афғонистоннинг бўш қолган тахтига инглизлар ўз номзодини илгари сурмасидан олдин тўнғич ўғил сифатида меросхўрлик ҳуқуқини талаб қилишга ундади. Шунга кўра, 1880 йилнинг февраль ойида Абдурахмон энг замонавий рус милтиқлари билан Окс дарёсидан Афғонистоннинг шимолига ўтди<sup>12</sup>. 1880 йилнинг бошида дастлаб Бадахшонда муваффақиятга эришган Абдурахмонхон, кейинчалик Толукон ва Қундуз шаҳарларини ҳам эгаллайди ҳамда 1880 йилнинг март ойига келиб бутун Афғон Туркистонини, яъни Шимолий Афғонистонни қўл остига олади<sup>13</sup>. Афғон

<sup>10</sup> А.Маннанов, Н.Абдуллаев, Р.Рашидов. Афғонистон тарихи // Ўқув қўлланма. – Т.: «Баркамол файз медиа», 2018. – Б. 140.

<sup>11</sup> Peter Hopkirk. The great game on secret service in high Asia. – London: John Murray, 1990. – P. 390.

<sup>12</sup> Ўша манба. – Б. 392.

<sup>13</sup> Файз Муҳаммад. Сирож ат-Таворих. 1-3 жилд. Кобул. 1331-1333-х.й. (1912/13, 1914/15). – Б 363-366.

тахтига даъвогар бу одамнинг саҳнада тўсатдан пайдо бўлиши Лондон ва Калькутгани дарҳол мулоҳазага чорлаши керак эди, чунки айнан ўша пайтда у ерда Афғонистоннинг тақдири билан боғлиқ мунозаралар давом этаётганди. Истило армиясини бу ерда доимий сақлаш кўплаб қурбонлар ва катта харажат талаб қилиши муқаррарлиги боис, унинг руслар ёки қудратли душман назорати остига ўтишини мураккаблаштириш охириги ечим эди. Аммо бу сафар британияликлар Афғонистонга нисбатан қутилмаган зукколик билан ёндошдилар. Хуллас, тахт Абдурахмонга берилишига қарор қилинди. Кейин музокаралар бўлиб ўтди ва келишувга эришилди. Ундаги шартларга кўра, инглизлар Кобулдан чиқиб кетадиган ва шаҳарда ўзларининг вакили сифатида бир мусулмон агентини қолдирадиган бўлди. Бунинг эвазига Абдурахмон Британиядан бошқа ҳеч қандай давлат билан алоқа ўрнатмасликка кўнди. Британия ҳам ўз навбатида 1879 йилда тузилган Гандамак шартномасини бекор қилиш талабига ва амир назорати остидаги ҳудудларнинг ички ишларига аралашмасликка ваъда берди. 1880 йил 22 июль куни Кобул шимолидаги махсус дурборда қирқ ёшли Абдурахмон (1880-1901) омма олдида амир деб эълон қилинди ва кўп ўтмай ўз пойтахтига тантанали кириб борди. У келажакда қаттиққўл ва қобилятли ҳукумдор бўлиб, инглизларнинг малайига эмас, балки ишончли қўшнисига айланади<sup>14</sup>. Шу билан бирга, амир Абдурахмон инглизларнинг Афғонистон учун оғир бўлган бир қатор шартларини қабул қилди. Жумладан, Гандамак шартномасида бўлганидек, яна Афғонистон ташқи дунёдан узиб қўйилди ва мустақил ташқи сиёсат юргизишдан маҳрум қилинди.

Афғонистоннинг ташқи дунё ва бошқа давлатлар билан бўладиган дипломатик алоқалари Ҳиндистондаги Британия маъмурияти орқали олиб борилиши лозим эди. Шунингдек, амир Абдурахмон бир қатор ҳудудлар Куррам, Пишин ва Сибининг инглизлар қўл остига ўтганлигини тан олди ҳамда Хайбар ва шу каби бир қатор муҳим тоғли довлар инглизлар назоратига берилишига рози бўлди<sup>15</sup>. Абдурахмоннинг тахтга ўтириши ва ўртадаги келишувларга қарамасдан инглизларнинг мамлакатни тарк этиш истаги йўқ ва бунинг устига Қандаҳорни мамлакат таркибидан ажратиб ўзига бўйсинувчи вассал ўлкага айлантириш нияти бор эди. Бироқ бу вақтда инглизларнинг мамлакатни тарк этишига сабаб икки воқеа юз берди. Улардан бири Буюк Британияда ҳукуматнинг ўзгариши эди. 1880 йилда Англияда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳамда ушбу сайлов натижаларига кўра, ҳокимиятни Дизраели (1874-1880) етакчилигидаги консерваторлардан Гладстон (1880-1885) етакчилигидаги либералларга ўтиши ҳам туртки берди. Робертс ва қўшинларининг Афғонистондан чиқиб кетишига сабаб бўлган муҳимроқ воқеа Абдурахмоннинг афғон тахтига даъвогар амакиваччаси Аюбхон ҳукмдор бўлган Ҳиротда бошланди. Аюбхон кофир инглизларни Афғонистондан ҳайдаб чиқариш, сўнг амакиваччасидан тахтни тортиб олишни мақсад қилганди. 1880 йилнинг июнь

<sup>14</sup> Peter Hopkirk. The great game on secret service in high Asia. – London: John Murray, 1990. P. 394–395.

<sup>15</sup> Mahomed Khan S. The Life of Abdur Rahman, Amir of Afghanistan. Vol. 1. – London: John Murray, 1900. – P. 194-196.

ойи охирида Аюбхон етакчилигидаги афғон жангчилари ҳамда генерал Жорж Берроуз бошчилигидаги инглиз армияси ўртасида Қандаҳордан 64 километр ғарброкда жойлашган Майванд қишлоғи яқинида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Жангда мардларча курашган афғонлар уюшган инглиз армиясини мағлуб этди ва инглизларнинг қолган қутган қисми Қандаҳорга чекинишга мажбур бўлди<sup>16</sup>.

Майванд жангидаги мағлубиятдан сўнг саросимага тушган инглизлар Қандаҳордаги инглиз гарнизониға ёрдам бериш учун шошилиш чораларни кўрдилар ва Кобулдан генерал Ф.Робертс бошчилигидаги кучли инглиз қўшини қисқа муддатда Қандаҳорга етиб келди. Тез орада икки ўртада шиддатли жанг бўлиб ўтади. Кўп ўтмай 72-шотланд тоғликлар полкининг милтиқ-найзалари ва 2-непал аскарлари полкининг эгри ханжарлари ўз сўзини айта бошлади, натижада афғонлар жангда мағлубиятга учрайди ва Ҳиротга чекинади. Инглизларнинг қандай бўлмасин Қандаҳорни ўз назоратларида тутиб туриш бўйича ҳаракатлари самарасиз тугади ва бу ҳаракат катта маблағ ҳамда қурбонларни талаб қилар эди. Шу сабабли, инглиз ҳукумати Қандаҳор шаҳри ва унинг атрофини ҳам амир Абдурахмонга топширишга қарор қилди. 1881 йилнинг апрелида бутун инглиз гарнизони Қандаҳор шаҳридан олиб чиқиб кетилди ва шаҳар амир Абдурахмоннинг вакиллариға топширилди. Абдурахмон инглизларнинг таклифини қабул қилишда тез бир қарорга кела олмайди. Натижада инглизлар чиқиб кетиши биланок, Аюбхон Қандаҳорни босиб олди, бироқ узоқ ушлаб туролмади. Абдурахмон шахсий қўшини билан Қандаҳорга юриш бошлади ва аввал уни, сўнг Ҳиротни рақибидан тортиб олади. Аюбхон Форс давлатиға қочиб қутулди. Бу икки ғалабадан сўнг Абдурахмон деярли бутун Афғонистоннинг ҳукмдорига айланди<sup>17</sup>.

Шу тариқа икки ярим йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган иккинчи инглиз-афғон уруши тугади. Бу сафар ҳам афғон заминиға бостириб кирган инглизларнинг 40 минг кишилиқ қўшини муваффақиясизликка учради ва 1881 йилда чекинишга мажбур бўлди. Мазкур урушдан сўнг Афғонистон ўз ички сиёсатини мустақил амалға оширса-да, давлатнинг ташқи сиёсати тўлақонли равишда Буюк Британия назорати остида эди.

1878-1881 йилги инглиз-афғон уруши пайтида афғонларнинг қаҳрамонона кураши туфайли Буюк Британия Афғонистонни ўз мустамлакасиға айлантира олмади. Аммо Афғонистоннинг бошқа давлатлар билан ташқи алоқаларини назорат қилишни назарда тутувчи шартнома имзоланди. Бунинг эвазига Англия Афғонистон амириға ҳар йили субсидия тўлашға ва унинг мулкани турли хил ташқи тажовузлардан ҳимоя қилишға ёрдам бериш мажбуриятини олади. Ушбу шартлар Буюк Британиянинг Афғонистонни кейинчалик ўзига бўйсундиришға бўлган навбатдаги уринишлари учун асос бўлиб хизмат қилди<sup>18</sup>.

XIX аср иккинчи ярмида Буюк Британия Яқин Шарқда ўзининг асосий рақиб Россиянинг тажовуз қилиши мумкин бўлган барча ҳудудларни эгаллашға

<sup>16</sup> Peter Hopkirk. The great game on secret service in high Asia. – London: John Murray, 1990. – P. 381–382.

<sup>17</sup> Ўша манба. – Б. 383.

<sup>18</sup> А.Е.Плеханов. Англо-русская политика в отношении Афганистана в конце XIX – начале XX века. // Вестник Рязанского государственного университета им. С.А.Есенина. 2012. <https://Cyberleninka.ru>.



ҳаракат қилди. Ҳар икки давлат учун Афғонистонни бўйсундириш эса кейинчалик Эронга ҳам босим ўтказиш имконини берарди. Буюк Британиянинг Афғонистонга нисбатан агрессив сиёсати Ҳиндистондаги беқарор вазият билан боғлиқ эди, яъни у ерда ҳар қандай пайтда мустамлака қарамлигига қарши озодлик учун кураш олиб борилиши мумкин эди. Шунинг учун Буюк Британия Ҳиндистонни Афғонистондан ҳам Россия томонидан ҳам бўладиган ҳар қандай ташқи таъсирлардан сақлашга ҳаракат қилган.

Амир Абдурахмоннинг давлат бошқарувини мустаҳкамлашга оид ислохотлари билан бир қаторда маҳаллий бошқарув соҳасидаги ислохотлари ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, амир Абдурахмоннинг Пенди инқироzi бўйича хатти ҳаракатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга, сабаби, вужудга келган халқаро можорода амир британияликларнинг провакациясига учмайди, гарчи, Пендини руслар босиб олган бўлсада, амир Абдурахмон ҳам ушбу можароли вазиятда босиқлик билан ҳаракат қилиб, инглиз томонининг Россия империясига қарши уруш бошлаш тўғрисидаги чақириғига учмади ва Пенди воҳасини рус давлати таркибига кўшиб олинишига рози бўлди<sup>19</sup>.

Амир Абдурахмон мамлакатни бирлаштириш учун катта куч ва саъй-ҳаракатларни сарфлайди. 1885-1886 йилларда мамлакат шимолида Россия империясининг Марказий Осиёдаги мустамлакалари ҳамда афғон давлатига тегишли ерлар ўртасида аниқ чегараларни белгилаб олиш тадбирлари ўтказилгач, амир Абдурахмон мамлакат шимолида истиқомат қилиб келаётган кўп сонли бошқа миллат вакиллари (тожиклар, ўзбеклар, туркманлар, чораймоқлар ва б.) орасига анъанавий тарзда мамлакат жанубида истиқомат қилиб келаётган пуштун миллатига мансуб аҳолини кўчиришни режалаштиради. Амирнинг бундай сиёсат юритишининг ўзига хос сабаблари бор эди. Биринчидан, гарчи Россия империяси билан чегаралар белгилаб олинган ва 1887 йилда икки томонлама шартнома имзоланган бўлса-да, амир Абдурахмон Афғонистон шимолида русларнинг таъсири ошиб кетишидан кўрқар ва бошқа миллат вакиллари бўлган маҳаллий аҳолига ишонмас эди<sup>20</sup>. Иккинчидан, амир пуштун миллатига мансуб аҳолини мамлакат шимолига кўчиртириш сиёсати орқали у ерда ҳам ўзига таянч бўладиган ижтимоий қатламни вужудга келтирмоқчи эди.

XIX асрнинг 80-90 йилларида Англия ҳукмрон доираларининг Афғонистонни бўйсундириш истаги сезиларли даражада ортди. Бундай тажовузкорона сиёсатнинг асосий мақсади Ҳиндистонни Россия таҳдидидан ҳимоя қилиш сифатида эътироф этилади. Айниқса, очиқчасига бу фикрларни Британия армияси полковниги Марк Севр Бель таъкидлайди. Унинг айтишича, Англия ва Россия ўртасидаги муқаррар тўқнашувда Афғонистон ҳарбий ҳаракатлар учун сахна вазифасини бажаради. Шунинг учун у Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасида яшовчи мустақил афғон қабилаларини бўйсундириш лозим эканлигини билдирган. Бу эса келгусида амалга оширилиши мумкин

<sup>19</sup> Mahomed Khan, S. The Life of Abdur Rahman, Amir of Afghanistan. Vol. 2. – London: John Murray, 1900. – 319 p.

<sup>20</sup> Sykes P. A History of Afghanistan. Vol. 2. – London: Macmillan & Co. Ltd, 1940. – P. 166-168.

бўлган ҳарбий ҳаракатлар пайтида Афғонистоннинг марказий ҳудудларига Англия қўшинларининг қийинчиликсиз бориши ва қайтиши учун амалга оширилиши керак деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, инглизлар Афғонистон устидан Британия ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатиш вазифасини қўйди<sup>21</sup>. Бу йўлда инглизлар дастлаб Афғонистоннинг шимолий-шарқда жойлашган озода қабилалар ҳудудларини бўйсундиришни мақсад қилиб, 1883 йилда Кветта шаҳрини батамом босиб олган инглиз мустамлакачилари 1887 йилда Пишин ва Сиби ҳудудларини ҳам тўла эгаллади. 1889 йилда Зухоб ҳудуди ва Гилгит ҳам инглизлар назоратига ўтган бўлса, 1891 йилда Хунза ва Нагар ҳудудлари ҳам инглиз мустамлакачилари қўлига ўтди. XIX аср охириларида Хунза, Читрол, Нагар Британия Ҳиндистони ҳудудига қўшиб олинди<sup>22</sup>.

Инглиз ҳукумати 1893 йилда Кобулга Генри Мортимер Дюранд бошчилигидаги махсус миссияни юборади. Ушбу миссия ўзига юклатилган вазифанинг уддасидан чиқишга муваффақ бўлади. Яъни, Дюрандга топширилган вазифа амир Абдурахмондан Сулаймон тоғларининг жанубий ёнбағрида жойлашган чегара чизиғи ерларига бўлган барча ҳуқуқлардан воз кечишни талаб қилиш эди. Шу тариқа, Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасидаги янги чегара Дюранд чизиғи номини олди. Жорий этилган Дюранд чегара келишуви афғон халқининг Буюк Британияга нисбатан нафратини кучайтирди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид сифатида қабул қилинди<sup>23</sup>.

Афғонистон ҳукмдори амир Абдурахмоннинг чегара чизиғи тўғрисидаги келишувни тан олиши ўша ҳудудларда яшайдиган қабилаларнинг инглиз ҳукумати бошқарувида берилишига рози бўлади. Афғон амирининг бу хатти-ҳаракати вақтинчалик чекиниш бўлиб, Абдурахмон имконият бўлди дегунча ушбу ҳудудларни яна инглизлардан қайтариб олишни кўзлар эди. Мазкур битимнинг имзоланиши натижасида 100 минг квадрат километрли майдонга эга ҳудудлар расман афғон давлати таркибидан ажратиб олинди. Шу тариқа, 1893 йилда инглизлар янги уруш очиш хавфи остида амир Абдурахмонни афғон давлатининг Британия Ҳиндистони билан чегарасини аниқлаб берувчи – “Дюранд чизиғи” деб аталмиш битимни имзолашга мажбур қилдилар. Мазкур битим асосида Британия Ҳиндистони таркибига шарқий пуштун қабилалари мажбуран киритилди ва бу битим ҳозиргача Афғонистон томонидан тасдиқланмаган ҳамда Покистон билан жиддий низоларга сабаб бўлиб келмоқда<sup>24</sup>. Афғонистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиб ва айниқса, ўз мустақиллигининг энг муҳим кафолати сифатида қаралган Чегара чизиғи бўйидаги афғон қабилалари инглизларни оммавий қўзғалонлар ва катта қаршиликлар билан кутиб олишди. Бу воқеалар Англиянинг Афғонистонни бўйсундириш истагини кучайтирди. Инглизлар бу мақсадга эришишнинг энг

<sup>21</sup>Очильдиев Д. К истории англо-русского соперничества в Афганистане (1901–1907). – С. 222–231.

<sup>22</sup> Rashidov R. Afg'onistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon. Monografiya. – T.: “Navro‘z” nashriyoti, 2017. – B. 264.

<sup>23</sup>Ерофеев Н.А. Очерки истории Англии. – М.: Соцэкгиз, 1959. – С. 211.

<sup>24</sup> А.Маннанов, Н.Абдуллаев, Р.Рашидов. Афғонистон тарихи // Ўқув қўлланма. – Т.: «Баркамол файз медиа», 2018. – Б. 157-159.

устивор вазифаси сифатида юқорида келтириб ўтганимиздек, темир йўллар тизимини барпо этиш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблашишган. Бу эса ҳар қандай замбарак ўқидан-да фойдалироқ эканлигини таъкидлашган<sup>25</sup>. Афғонистон масаласида Буюк Британия сиёсатининг асосини ташкил этган “Ҳиндистон мудофаси” доктринаси аслида “Афғонистонга фаол ҳужум” доктринаси деб номланган эди.

1889 йилдан бери Англиянинг ҳукмрон доиралари Афғонистонда темир йўллар ва телеграф линиялари тармоғини қуриш бўйича ўз режаларини амалга оширишга бир-неча маротаба уринишган, бу уларнинг фикрига кўра, Афғонистондаги инглиз қўшинларига ёрдам кўрсатиш учун Ҳиндистондан ҳарбий-қўшин, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб беришни анчагина осонлаштирарди<sup>26</sup>. Туркистон ҳарбий округи штаб квартирасидан олинган маълумотларга кўра, 1900 йилда Англия Афғонистонда темир йўл қурилиши, хусусан биринчи навбатда Қандаҳор ва Ҳиротга олиб борадиган йўл масаласини қайтадан қўяди, Россия подшолиги Ҳиндистон ҳукуматига бу темир йўл Афғонистон чегарасини кесиб ўтмаслиги тўғрисида огоҳлантириш хатини юборади<sup>27</sup>.

1901 йил амир Абдурахмоннинг вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳабибулло амир этиб тахтга ўтқазилади. Британия ҳукумати эса янги бўлган амир отасидан кўра, музокараларда мулоҳазакорлик билан иш тутишига умид қилади. Буюк Британиянинг Афғонистонга нисбатан олиб бораётган ҳар қандай сиёсати Афғонистон билан тўғридан тўғри алоқалар ўрнатиш ниятида бўлган Россиянинг ташқи сиёсий фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатарди.

Англия ҳукмрон доиралари ўзларининг сиёсий ҳаракатлари учун қандайдир ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида амир Абдурахмон даврида Буюк Британия ва Афғонистон ўртасида тузилган шартномалар шахсий келишувлар эканлиги ва шунинг учун унинг вафотидан кейин тузилган битимлар қайта кўриб чиқилиши кераклигини билдиришади. Аммо Афғон ҳукмрон доиралари янги музокаралар ўтказишни рад этишади. Амир Ҳабибулло отаси Абдурахмон даврида инглиз-афғон музокаралари натижасида тузилган шартномалар қонуний эканлигини ва бошқа тузатишларга муҳтож эмаслигини билдиради. Ҳабибуллонинг бундай баёнотидан сўнг Ҳиндистон вице қироли Лорд Керзон ўзи хоҳлаган шартномаларни қайта кўриб чиқиш осон эмаслигига ишонч ҳосил қилади<sup>28</sup>.

Лорд Керзон амир Ҳабибуллога бир-неча бор Ҳиндистонга расмий давлат ташрифи учун таклиф юборади. Аммо амир Л.Керзоннинг таклифларини қабул қилмайди. Ҳиндистонга бўладиган ташрифларнинг рад этилиши Афғонистон ички ва ташқи сиёсатида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳабибулло Лорд Керзоннинг таклифини қабул қилган тақдирда афғон қабилалари орасида амир нуфузини тушириб юборишини биларди, бу эса унинг эгаллаб турган тахти учун

<sup>25</sup>Yooch. Y.P. British documents on the origins of the War 1898–1914 / Y.P. Yooch, H. Temperley. Morley: J W Headlam, 1926. – P. 656.

<sup>26</sup> Diplomatic documents relating to the outbreak of European war. – N.Y.: Oxford University press, 1916. Pt. 2. – P. 516.

<sup>27</sup> Россия: государственные приоритеты и национальные интересы. – М.: РосПЭН, 2000. – С. 400.

<sup>28</sup>Sykes P. A history of Afghanistan. – London, 1940. Vol. 2. – P. 132.

хатарли эди. Амир бу пайтда Буюк Британиянинг Жанубий Африкада бурлар билан урушда овора бўлиб қолганлигини, Россия эса Афғонистонга нисбатан фаол ташқи сиёсатини кучайтирганлигини ҳам ҳисобга олган эди.

Британия томонидан турли сиёсий-иқтисодий босимларнинг кучайиши натижасида Афғон ҳукумати ўзининг жанубий чегараларини мустаҳкамлашга киришди. Бу орада Англия ҳукумати Афғонистон ички сиёсатида муваффақиятга эриша олмаган бир пайтда, у Россиядан Афғонистон ташқи сиёсати устидан назорат Англия томонида эканлигини тан олиш кераклигини билдиради. Бироқ Россия ҳукумати Британиянинг Афғонистон ташқи сиёсати устидан назоратини тан олишни истамайди.

XX аср бошларида Буюк Британия ва Россия империялари ўзларининг ташқи сиёсий фаолият йўналишларини ўзгартиришга мажбур бўлишади. Буюк Британиянинг эндиликда Европадаги асосий рақиби Германия бўлиб, немис товарлари инглиз маҳсулотларини нафақат жаҳон бозорларида, балки Англиянинг ўзидан ҳам сиқиб чиқармоқда эди. Улар ўртасидаги асосий рақобат кемасозлик ва денгиз йўллари устидан назорат ўрнатишда намоён бўлди. Оқибатда сон жиҳатдан Германиянинг денгиз қуrolли кучлари Англияникидан ўтиб кетади<sup>29</sup>.

Англия Германия билан уруш бўлиши муқаррар эканлигини, урушдаги ҳал қилувчи жанглار қуруқликда олиб борилиши ва Германия устидан ғалаба қозониш учун кучли пиёда қўшинларига эга иттифоқчи лозимлигини биларди. Бундай иттифоқчи фақат Россия бўла оларди. Шу мақсадда Англия ҳукмрон доиралари Россияга нисбатан ўзларининг ташқи сиёсатларини ўзгартира бошлашади. Биринчи жаҳон уруши олдида Россия империяси томонидан халқаро сиёсатдаги туб ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган Россия ташқи ишлар вазири А.П.Извольский, Британия дипломатларининг Россия билан Ўрта Шарқдаги таъсир доираларини тақсимлаб олиш лозимлиги тўғрисида битим тузиш зарур эканлигини билдиради<sup>30</sup>. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг руслар Афғонистоннинг Британия таъсири остида эканини расман тан олди. Санкт-Петербург у ерда эркин савдо қила олсада, бу давлат ҳудудига ҳеч қандай айғоқчи юбормасликка ва Кобул билан барча сиёсий алоқаларни Лондон орқали олиб боришга ваъда берди<sup>31</sup>. 1907 йил август ойида сер Эдвард Грей ва Россия ташқи ишлар вазири граф Александр Извольский ўртасида келишувга эришилди ва шу тариқа Катта ўйин якунига етди.

Амир Ҳабибуллонинг ҳаракатлари Афғонистон мустақиллигини ҳимоя қилиш, Англия ва Россияга қарам бўлишнинг олдини олишга асосланган эди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Афғонистоннинг Англия билан муносабатларининг совуқлашувига олиб келадиган хатти-ҳаракатлари туфайли,

<sup>29</sup> Сальников А.В. Афганский вопрос и его решение в англо-русской конвенции // Журнал. Общественные и гуманитарные науки. 2008. <https://Cyberleninka.ru>; А.Е.Плеханов. Англо-русская политика в отношении Афганистана в конце XIX – начале XX века. // Журнал. Вестник Рязанского государственного университета им. С.А.Есина. 2012. <https://Cyberleninka.ru>.

<sup>30</sup> Извольский А.П. Воспоминания. – Минск : Харвест, 2003. – С. 221.

<sup>31</sup> Бойко В. С. Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919–1953 гг. Москва; Барнаул, 2010.

бир томондан, Россия билан қандайдир муносабатда бўлишга интилан бўлса, бошқа томондан эса ўзаро ҳурматни сақлаган ҳолда у билан алоқада бир қадар масофани сақлаган.

Биринчи жаҳон уруши Афғонистонга ҳам муайян даражада ўз таъсирини ўтказди. Антанта иттифоқига кирувчи Буюк Британия ва Россия империяси каби давлатлар Афғонистонга доимий тарзда таъсир ўтказиб келган бўлсалар, Учлар иттифоқига кирувчи Германия империяси ҳам Афғонистон давлатига нисбатан катта қизиқиш билдира бошлади. Биринчи жаҳон урушига нисбатан Афғонистоннинг тутган мавқеи бўйича амир Ҳабибуллаҳон етакчилигида 1914 йилнинг 24 августида Кобулда бўлиб ўтган дурбар (олий йиғин)да аниқ позицияга келинди ва ўша йилнинг 3 октябрида бўлиб ўтган навбатдаги дурбарда ҳам Афғонистоннинг ушбу позицияси яна бир бор маълум қилинди. Етакчи давлатлар Афғонистонни ўз томонларида туриб уришишга ёки муайян бир томонни қўллаб қувватлашга ҳарчанд даъват этишмасин Афғонистон Биринчи жаҳон урушида ўз бетарафлигини эълон қилди. Бу борада 1915 йил бошида Афғонистонга Германия Куролли Кучлари Бош штаби капитани Оскар Нидермайер бошчилигида юборилган немис миссияси фаолияти алоҳида эътиборни талаб қилади. 1915 йилнинг ёзида Ҳирот шаҳрига етиб келган ушбу миссия катта тантана билан кутиб олинади ва амир Ҳабибуллаҳон томонидан пойтахт Кобулга бориш учун рухсат этилгач, ўша йилнинг августида Ҳирот шаҳрини тарк этади. Мазкур миссия 1915 йилнинг 2 октябрида Кобулга етиб келган бўлса ҳам амир Ҳабибуллаҳон миссия вакиллари 26 октябрида қабул қилади. Миссия етакчиси Нидермайер афғон амирини Германия томонида туриб уришишга ҳарчанд уринмасин Ҳабибуллаҳон унинг таклифини рад этади ва Афғонистоннинг бетарафлик мақомини сақлашга интилади. Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида амир Ҳабибулло Афғонистонни нейтрал мамлакат деб эълон қилди<sup>32</sup>. Аммо Афғонистондаги турли сиёсий кучлар уни ҳозирги халқаро вазиятда Афғонистоннинг ташқи сиёсий фаолият юритишида Англияга қарамлигини йўқ қилишда лаёқатсизлик қилгани учун айблайди. Бу орада ёш афғонлар ҳаракати билан алоқалар ўрнатган, ўзининг мамлакатни буткул озод қилиш ғоясини илгари сурган шахзода Омонулло халқ орасида катта ҳурматга эга бўлиб бормоқда эди. 1919 йил 20 февралдаги сарой фитнаси натижасида амир Ҳабибулло тахтдан қулатилади. Узоқ давом этмаган курашлардан сўнг Омонулло тахтга ўтиради ва 1919 йил 28 февраль куни Афғонистоннинг тўлиқ мустақиллиги эълон қилинганлиги тўғрисидаги манифестни эълон қилади<sup>33</sup>.

Ер юзининг шундай минтақалари, ҳудудлари борки, улар табиий ва турлитуман қазилма бойликлари билан эмас, айнан географик жойлашуви билан йирик империялар эътиборини ўзига жалб этади. Марказий Осиёнинг стратегик муҳим минтақасида жойлашган Афғонистоннинг сиёсий курашлар ва фитналар марказига айланиб қолаётганининг асосий сабаби ҳам шунда.

<sup>32</sup> Sykes.P.A History of Afghanistan.Vol.2. – London: Macmillan & Co. Ltd, 1940. – 416p.

<sup>33</sup> M. Ghobar, "Tarikh-e Adabiyat-e Afghanistan", Kabul, n.d. 'A. Habib, "Jonbesh-e mashrutiyat dar Afghanistan", Kabul, 1984. – P. 57.



XIX аср охири – XX аср бошларида Англия ва Россия Афғонистонга шунчаки мамлакат сифатида эътибор қаратиб қолмай, балки уни ўз мамлакатларининг оstonаси сифатида кўради. Сабаби Британиянинг босқинчилик сиёсати режасида бўлган Эрон ва Марказий Осиё ерларига ҳарбий юришлар олиб борилган тақдирда Афғонистон энг муҳим ҳарбий амалиётларга тайёргарлик кўрадиган майдон сифатида бошланғич нукта, Россия учун эса жанубий сарҳадларининг хавфсизлиги учун Афғонистон буфер зона вазифасини бажариши лозим эди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бойко В. С. Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919–1953 гг. Москва; Барнаул, 2010.
2. Ерофеев Н.А. Очерки истории Англии. – М.: Соцэкгиз, 1959.
3. Извольский А.П. Воспоминания. – Минск : Харвест, 2003.
4. Очильдиев Д. К истории англо-русского соперничества в Афганистане (1901–1907). // Научная работа и сообщения отделения общественных наук Академии наук Узбекистана. – Ташкент, 1961. Кн. 3. – С. 222–231.
5. Маннанов А., Абдуллаев Н., Рашидов Р. Афғонистон тарихи // Ўқув қўлланма. – Т.: «Баркамол фойз медиа», 2018.
6. Плеханов А.Е. Англо-русская политика в отношении Афганистана в конце XIX – начале XX века. // Вестник Рязанского государственного университета им. С.А.Есина. 2012. <https://Cyberleninka.ru>.
7. Россия: государственные приоритеты и национальные интересы. – М.: РосПЭН, 2000.
8. Сальников А.В. Афганский вопрос и его решение в англо-русской конвенции // Журнал. Общественные и гуманитарные науки. 2008. <https://Cyberleninka.ru>.
9. Файз Муҳаммад. Сирож ат-Таворих. 1-3 жилд. Кобул. 1331-1333-х.й. (1912/13, 1914/15).
10. Хидояттов Г.А. Британская экспансия в Средней Азии. – Т., 1981.
11. Rashidov R. Afg‘onistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon. Monografiya. – Т.: “Navro‘z” nashriyoti, 2017.
12. Diplomatic documents relating to the outbreak of European war. –N.Y.: Oxford University press, 1916. Pt. 2.
13. Ferrier, J.P. History of the Afghans. – London: John Murray, 1858.
14. Hanna, H.B. The second Afghan war 1878-79-80. Its causes, its conduct and its consequences. Vol I. - London: Westminster Archibald Constable & Co, 1899.
15. Ghobar M. "Tarik-e Adabiyat-e Afghanistan", Kabul, n.d. ‘A. Ҳабibi, “Jonbesh-e mashrutiyat dar Afghanistan”, Kabul, 1984.
16. Mahomed Khan S. The Life of Abdur Rahman, Amir of Afghanistan. Vol. 1. – London: John Murray, 1900.
17. Peter Hopkirk. The great game on secret service in high Asia. – L., 1990.

18. Sykes P. A History of Afghanistan. Vol. 2. – London: Macmillan & Co. Ltd, 1940.
19. Yooch.Y.P. British documents on the origins of the War 1898–1914 / Y.P. Yooch, H. Temperley. Morley: J W Headlam, 1926.